



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ

**120** *йил*

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА  
УЮШМАЛАРИ ҲАРАКАТИГА



2020-2025 йиллар учун

**ҲИСОБОТ**





**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИНИНГ  
2020 ЙИЛ АВГУСТ ОЙИДАН 2025 ЙИЛ  
АВГУСТ ОЙИГАЧА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ  
ТЎҒРИСИДА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ  
ҲИСОБОТИ**



Биз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк вазифани стратегик мақсад қилиб қўйдик. Шу маънода "Инсон қадрлари учун" ғоясини умуммиллий ҳаракатга, юртимизни кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айлантиришда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, ҳеч шубҳасиз, касабачиларимизнинг ҳам муҳим ўрини тутди.

**Шавкат Мирзиёев**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Хурматли касаба уюшмаси фаоллари, азиз дўстлар,

**М**аълумки, бугун мамлакатимизда барча соҳаларида бўлгани каби соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Охириги йилларда Ўзбекистон тиббиётида мислсиз ютуқлар қўлга киритилди. Эришилган натижалар, қўлга киритилган ютуқларда соҳани замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббиёт ходимларининг илғор хорижий давлатлардаги клиникаларда малакасини ошириш, тизимни рақамлаштириш ва бошқалар муҳим омил бўлмоқда.

Бизнинг назаримизда эса, бугунги кун Ўзбекистон тиббиёти эришаётган барча ютуқларда энг аввало инсон омили асосий ўринни тутади. Шундай экан, соҳада меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш ўта муҳим ва ҳар доимгидан ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Касаба уюшмаларининг асосий вазифалари асосий Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 73-моддасида “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар” деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси томонидан ўтган IX Қурултойда қабул қилинган келгуси беш йиллик устувор вазифаларни ижросини таъминлаш йўлида 2020 йилнинг август ойидан 2025 йилнинг август ойига қадар бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Касаба уюшмасининг ҳисобот давридаги фаолиятининг энг муҳим асоси 2020 йилнинг 11 ноябрида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойида Федерация раиси Қудратилла Мирсоатович Рафиқов томонидан илгари сурилган “Янги Ўзбекистон - Янги касаба уюшмалари” деган шиорнинг амалдаги ижросини таъминлашга қаратилди.

Шу туфайли, ҳисобот даврида тизимда ҳам ислоҳотлар амалга оширилиб, касаба уюшмасининг энг муҳим ўрта бўғини - касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари фаолияти қайта тикланди.

Касаба уюшмасининг ўз аъзоларини меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоясини таъминлаш мақсадида меҳнат инспекцияси тузилди ва бугунги кунда ҳар бир ҳудуд бўйича касаба уюшмаси Республика Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари фаолият юритмоқда. 2021 йилда ташкил этилган касаба уюшмаси қисқа вақт ичида касаба уюшмаси аъзоларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланиб улгурибгина қолмай, маҳаллий ҳамда ҳалқаро миқёсда ҳам қатор эътирофларга сазовор бўлмоқда.

Касаба уюшмасининг асосий фаолият йўналишларидан бири - унинг ходимлар манфаатларини ифода этиш орқали иш берувчилар билан жамоа келишув ва шартномалари тузишдир. Ҳисобот даврида бундай келишув ва шартномаларига амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланмаган ёки белгиланганидан кўра кўпроқ қўшимча имтиёз ва кафолатларни назарда тутувчи бандларни янада кўпроқ киритишга эришиш бўйича бир қатор ютуқларга эришилди.

Бу йўналишда касаба уюшмасининг ижтимоий шериклар билан биргаликда амалга оширилган саъй-ҳаракатлари туфайли жамоа шартномаларига киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатларнинг амалда қўлланилиши натижасида аъзоларимизнинг моддий манфаатдорлиги ҳисобот даври бошидан охирига қадар 1,8 баробарга ошишига эришилди.

Айниқса, ҳисобот даврида, содир бўлган энг муҳим воқеа бу - ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёвнинг 2022 йилнинг 18 мартида тиббиёт ходимлари билан “Тиббиётдаги ислоҳотлар - инсон қадри учун” мавзусидаги тарихий очиқ мулоқот учрашуви бўлди. Ушбу тарихий ходиса яқуни бўйича Президентимизнинг шахсий ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан тизимда кўп йиллардан бери доимий муаммо бўлиб келган энг оғриқли масала - мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш даврида ходимларнинг чиқимдор бўлиш ҳолатларига чек қўйилди.

Ҳисобот даврида соҳа ходимлари ва ҳалқимиз каронавирус инфекцияси натижасида келиб чиққан “Covid-19” пандемияси билан курашишига тўғри келди. Пандемия айниқса соғлиқни сақлаш тизимида меҳнат муҳофазаси масалалари, жумладан уларни шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминланиши нақадар муҳим эканлигини яна бир бор исботлаб берди. Шу туфайли ҳисобот даврида ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Ҳисобот даврида соҳа ходимларини санатор-курорт соғломлаштириш, ходимлар фарзандларини болалар оромгоҳларида соғломлаштириш кўрсаткичлари кескин ошди. Бу энг аввало, Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси раиси Қ.Рафиқовнинг узоқни кўзлаб олиб борган сиёсати, саъй-ҳаракати, ташаббусига кўра тасарруфда кўплаб янги санаторий ва оромгоҳлар қурилиб фойдаланишга топширилиши, Федерация қошида мутлақо янгилик сифатида болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари департаменти тузилганлиги билан боғлиқдир.

Хисобот даврида янги касаба уюшмаси аъзоларини аъзоликка қабул қилиш, айниқса нодавлат сектори тизимидаги муассасаларда касаба уюшмаси ташкилотларини тузиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси аъзолари сони тарихий бир миллион нафардан ошди.

Касаба уюшмаси ҳисобот даврида ҳалқаро миқёсда ҳам қатор ижобий натижаларга эришди. 2023 йилда штаб квартираси Тошкент шаҳрида жойлашган Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳисобот даври барчамиз учун ўта мазмунли ва баракали давр бўлди десак асло адашмаган бўламиз. Чунки бу даврда касаба уюшмаси томонидан амалга оширилган ишлар талайгина. Шу муносабат билан касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни рисола шаклида тайёрлаш ва чоп этиш ва барча даражадаги касаба уюшмаси фаоллари эътиборига етказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳисобот даврида ўз фаолиятини ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишга бахшида этган касаба уюшмасининг барча бошланғич ташкилотлари фаолларига, касаба уюшмаси ҳудудий бўлинмалари ва Республика Кенгаши аппарати ходимларига амалга оширилган ижобий ишлар, эришилган ютуқлар учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Барчаларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, машаққатли, аммо шарафли ишларида улкан муваффақиятлар тилайман.

**Ҳурмат билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Ҳалқаро Конфедерацияси вице-президенти, Марказий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Кенгаши Бош котиби Фарҳоджон Ханапияев**

**К**ейинги йилларда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан қадамлар қўйдик. Ҳар бир ишимиз, ҳар бир ютуғимизда истиқлолнинг буюк қудрати ёрқин намоён бўлмоқда. Ватанимиз дунёга, дунё эса юртимизга кенг очилмоқда. Минтақамиз ва бутун жаҳонда дўстларимиз, ҳамкорларимиз қўпаймоқда. Барча ислохотларимизнинг руҳи ва мазмунига “Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун!” деган эзгу ғоя чуқур кириб бормоқда.

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда. Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Кейинги йилларда амалга ошираётган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Аввало, ажратилаётган бюджет маблағларининг бир неча бор қўпайтирилгани, хусусий сектор ривожига кенг йўл очилаётгани туфайли соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда, хизматлар тармоғи кенгайиб, соғлом рақобат муҳити шаклланиб, сифат ва самарадорлик ошмоқда. Диагностика ва даволаш амалиётига илғор замонавий технологиялар фаол жорий этилмоқда.

Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиётни ҳам халқимизга янада яқин қилиш учун малакали даволаш ва профилактика тизимини хонадонларгача олиб кириш чоралари қўрилмоқда. Шу мақсадда бирламчи тиббий-санитария муассасалари фаолияти янгиланмоқда. Ушбу бўғинда биринчи навбатда касалликларнинг олдини оладиган, уларни келтириб чиқарадиган сабабларга қарши курашадиган механизмларни жорий этиш бошлангани ҳам шундан далолатдир.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни маҳаллабай, манзилли ва аниқ мақсад асосида таъминлаш бўйича янгича тажриба қўлланмоқда. Тизимда “Электрон поликлиника”, “Электрон рецепт” дастурлари жорий этилмоқда. Бунинг учун патронаж ходимлари

халқаро стандартлар асосида ўқитилмоқда. Тез тиббий ёрдам тизими автоматлаштирилган электрон бошқарувга ўтказилиб, хорижда ишлаб чиқарилган 1 000 та махсус замонавий автомобиль билан таъминланди.

Ихтисослашган тиббий хизмат ҳам аҳолига яқинлаштирилмоқда. Бу йўналишда диагностика усуллари 500 дан, даволаш усуллари эса 800 дан ошгани эътиборлидир. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида донордан олинган суяк кўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси, Кардиология марказида мураккаб эндоскопик жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди. Миллий тиббиёт маркази шифокорлари томонидан олис туманларда Европадан келтирилган кўчма кардиожарроҳлик мажмуасида мураккаб операциялар муваффақиятли ўтказилмоқда.

Азим пойтахтимизда тиббиёт соҳасидаги ноёб мегалойиҳа сифатида барпо этилган Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология марказининг янги замонавий мажмуасида сўнгги намунадаги асбоб-ускуна ва шароитлар асосида касалликларни барвақт аниқлаш ва даволаш ҳажми бир неча баробар ошади. Энг муҳими, юртдошларимиз ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб, чет элдаги даволаш марказларига бориш ташвишидан қутулади. Ҳеч шубҳасиз, тиббиёт соҳасидаги ютуқларимиз халқаро миқёсда эътироф этилаётгани барчамизни қувонтиради. Болалар миллий тиббиёт маркази халқаро сертификатни қўлга киритгани, Хирургия марказида халқаро сифат стандартлари жорий этилгани, мамлакатимиз гепатит В га қарши курашишда минтақавий мақсадли кўрсаткичларга эришгани тасдиқлангани шулар жумласидандир.

Халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган қучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган — «Ўзбекистон 2030» стратегияси тасдиқланди. Стратегияда 5 устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад ўз аксини топган.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг муҳим жиҳатларидан бири бу соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳисобланади. Миллатнинг саломатлиги – унинг фаровонлигининг асосидир. Тиббиётга инвестициялар киритиш, замонавий тиббий марказларни ташкил этиш ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш соғлом ва

самарали жамиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, фуқароларнинг жисмонан ва руҳан фаровонлигига ғамхўрлик қилишга шароит яратиб беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро учун юқори сифатли ва малакали тиббий хизмат тизимини яратиш устувор вазифа сифатида белгиланиб, бу йўналишда кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Саломатлик посбонларининг оғир ва масъулиятли меҳнатини муносиб кадрлаш, уларнинг ўз касбидан манфаатдорлигини ошириш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътибор марказида турибди.

Соҳа ходимларининг ойлик маоши 30 фоизгача оширилиб, иш самарадорлиги ва натижасига қараб табақалаштирилган рағбатлантириш ҳамда устама тўловлари жорий этилгани ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлганини қайд этиш лозим. Инновацион диагностика ва даволаш усуллари туманлар даражасида йўлга қўйилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббий хизмат халққа янада яқинлашмоқда. Бир пайтлар илфур хорижий мамлакатлар, кейинчалик асосан пойтахтда бажарилган юқори технологик операциялар, инновацион диагностика усуллари эндиликда ҳудудларда ҳам босқичма-босқич жорий этиляпти. Хусусан, сўнгги йилларда Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари сони 10 тадан 25 тага, уларнинг ҳудудий филиаллари 2 тадан қарийб 300 тага етказилди. Касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида 2017–2024 йилларда диагностика усуллари 70 тадан қарийб 550 тага, даволаш усуллари 60 тадан 800 тага кўпайди. Ҳудудларда юқори технологик операциялар улуши 61 фоизга етказилиб, пойтахтга келиб даволаниш кўрсаткичи 24 фоизга қисқарди.

Жумладан, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида донордан олинган суяк қўмиги ўзак хужайралари трансплантацияси йўлга қўйилди. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юрак нуқсонидан азият чекувчи беморларда 3D-эндоскопик усулда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказиш ўзлаштирилди. Энди замонавий кардиохирургик хизмат олис ва чекка туманларга ҳам кириб боряпти. Шу мақсадда фаолият бошлаганига кўп бўлмаган Миллий тиббиёт марказига Европадан замонавий кўчма кардиожарроҳлик мажмуалари олиб келинди.

Ушбу уникал техника олис ҳудудларда истиқомат қиладиган, айниқса, ногиронлиги бор, касаллик сабаб тўшаққа миҳланиб қолган оғир беморларни яшаш жойининг ўзида кўриқдан ўтказиш ва уларда зарур операцияларни бажаришга хизмат қиляпти.

Бу каби ютуқларимиз жаҳон миқёсида ҳам муносиб эътироф этилмоқда. 2024 йилда Болалар миллий тиббиёт маркази халқаро даражадаги JCI сертификатини олди. Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам халқаро аккредитациядан ўтди.

Сўнгги йилларда юртимизда тиббиёт йўналишида илғор таълим стандартлари асосида юқори билимга эга мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир мамлакатимиздаги 12 та давлат тиббиёт олий таълим муассасасида соҳа учун мутахассислар тайёрланяпти. Шунингдек, Россия, Корея, Германия, Беларусь, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша давлатларининг 25 та университети билан бакалаврият йўналиши, магистратура ва клиник ординатура мутахассислиги бўйича халқаро қўшма таълим дастурларига мувофиқ 1,5 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юрларимиз талабалари орасида Россия, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Туркменистон, Қозоғистон каби 20 дан зиёд давлатлардан келиб билим олаётган 5,7 минг нафарга яқин ёшлар ҳам бор. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ тиббиёт коллежлари негизида ташкил этилган 72 та Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумида 7 та йўналиш бўйича ўрта тиббиёт ходимлари тайёрланяпти. Ўз навбатида, Чилонзор Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми негизида Ҳамширалар академияси ташкил этилди. Мазкур муассаса қошида Туркиянинг соғлиқ билимлари университети факультети ҳам очилди.

Президентимизнинг 2023 йил 20 июндаги тегишли қарорига мувофиқ, тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг билимларини (асосий, клиник ва амалий кўникмаларини) икки босқичли баҳолаш ва уларнинг малакасини тасдиқлашнинг миллий тизими шакллантирилди. Тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш учун узлуксиз касбий таълим портали жорий этилди. Муҳими, ана шу соҳадаги ютуқларимиз халқаро миқёсда ҳам тан олиняпти, эътироф этилмоқда. Чунончи, Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Андижон давлат тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти ва Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг бакалаврият, магистратура, клиник ординатура мутахассисликлари халқаро аккредитациядан ўтказилди ва махсус сертификатни қўлга киритди. Бинобарин, Ўзбекистоннинг 8 та тиббиёт олий ўқув юрти дунёнинг ТОП-1000лик рейтингига кириш учун халқаро “reporter” мақомига эга бўлди.

Буларнинг барчаси тиббиёт соҳасини янги босқичга кўтаришга қаратилган изчил ислохотлар самарасидир. Албатта, барчамизнинг биргаликдаги меҳнатимиз маҳсули бўлган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда давлат тиббий суғурта механизмларини жорий этишга оид қарор имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, тизим доирасидаги бепул тиббий хизматлар ва дори-дармонлар харажатлари давлат бюджетига тўланаётган солиқлар ҳисобидан қопланиши белгиланди.

Аҳоли саломатлигига эътиборни кучайтириш орқали инсон қадрини ошириш, унинг ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган бундай муҳим ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз. Шу билан бирга, корхона ва ташкилотларда ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Маълумки, 2025 йилда Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳаракати бошланганлигига 120 йил тўлади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан олиб борилган изланишлар натижасида аниқланишича, юртимизда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасига 1906 йилда тамал тоши қўйилганлиги аниқланди. Касаба уюшмаси ўша даврдаги фармацевтлар касаба уюшмаси, фельдшер ва акушерлар касаба уюшмаси, кейинчалик Медсантруд касаба уюшмаларининг ҳуқуқий вориси сифатида ўзининг 120 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турибди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси ҳар бир даврда энг илғор ва кучли касаба уюшмаси сифатида фаолият юритган, айниқса мустақиллик йилларида ва ҳозирда мутлақо янгиланган ва ҳар томонлама мукамаллашган янги ривожланиш босқичини бошлади, десак, асло муболаға бўлмайди.

Жонажон Ватанимиз ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига кираётган, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш барча соҳаларда биз учун бош мақсадга айланаётган ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи бутун халқимиз каби касаба уюшмалари олдига ҳам улкан вазифаларни қўймоқда.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев ташаббуслари ва раҳнамолиги остида сўнгги 8 йилда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли туб ислохотлар амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилмоқда.

2020 йилда Ўзбекистонда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 миллион 660 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 5 миллион 360 минг сўмга етди. Бу ўз навбатида миллионлаб оилаларнинг турмуш даражаси ошишига ижобий таъсир кўрсатди, десак муболаға бўлмайди.

Камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга тушгани, мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани мамлакатимизда «Инсон қадри учун» деган тамойил асосида олиб борилаётган барча ислоҳотлар самарасини яққол кўрсатмоқда.

Ўзбекистонга сўнгги етти йилда жами 78 млрд. долларлик хориж инвестицияси кириб келган. Жумладан, 2020 йилда бу рақам 6,6 млрд. долларни ташкил қилган бўлса, 2024 йил январь-сентябрь ойларида 23,7 млрд. долларга етган.

Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари ҳам юртимиздаги ислоҳотларда фаол иштирок этмоқда. Улар турли соҳалар ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VIII Қурултойидан сўнг ўтган беш йиллик ҳисобот даврида меҳнат бозоридаги ўзгаришлар инobatга олиниб, ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва янги ҳужжатларни қабул қилиш ишларида касаба уюшмалари фаол иштирок этди.

Қурултой иштирокчиларига Давлатимиз раҳбари биринчи мартаба табрик юбориб, бу табрикда Қурултой ўтказилаётган сана - 11 ноябрь кунини “Касаба уюшмалари куни” деб белгилаш таклифини киритилди ва 2020 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ “11 ноябрь - Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” этиб белгиланиши касаба уюшмалари ташкилотларига ўз фаолиятларини янада кучайтиришга туртки бўлди.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатларини тарғиб қилиш, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, халқаро ва миллий меҳнат стандартларини жорий этиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Касаба уюшмаларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасидаги ишлари тизимли равишда ташкил этилди, 2020 йилда касаба уюшмалари 5 млн. нафарни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 январга келиб 7 млн. нафарга етди.

Меҳнаткашлар ўртасида оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга кўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш доирасида ҳар йили ўтказиладиган спорт тадбирлари ва мусобақаларига 2,5 млндан ортиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари жалб этилмоқда.

2020-2024 йилларда 7 та янги санаторийлари қуриб фойдаланишга топширилди, 8 та санаторийда замонавий ётоқ, даволаш ва ошхона, даволаш биноларини қуриш ва реконструкция қилиш, жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

2017-2023 йиллар давомида юртимизда 8 та янги оромгоҳ қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, фаолият юритмаётган ёки самарасиз ишлаётган яна 82 та болалар соғломлаштириш оромгоҳлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилди ва тасарруфдаги оромгоҳлар сони 107 тага етди.

2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Федерациясининг ташаббуси билан 2023 йил 22 сентябрь куни Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар касаба уюшмаси ташкилотининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

2024 йилнинг октябрь ойида Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси юқори даражали миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиб, унинг натижалари бўйича Конфедерациянинг 2024 йил 3-5 декабрь кунлари Бразилия шаҳрида бўлиб ўтган Бош кенгаши 35-мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ушбу Конфедерацияга тўлақонли аъзоликка қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди ва ижобий қарор қабул қилинди.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида 2020 йилнинг февраль-июнь ойларида барча бўғиндаги касаба уюшмаси органларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари, август ойида “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг малака ошириш институти” нодавлат таълим муассасасининг катта мажлислар залида тармоқ касаба уюшмасининг навбатдаги IX Қурултойи “Zoom” дастури орқали онлайн видеоконференц-алоқа тарзида бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Уставида касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳар 5 йилда бир марта ўтказилиши, касаба уюшмаси органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Уставини 4.18.-бандининг 3-хат бошига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бош кенгашининг 2024 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида”ги IX-3 сонли қарорига асосан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши XIV Мажлиси қарори қабул қилинди.

Қарорда тармоқ касаба уюшмаси органларининг ваколат муддатлари тугашини инобатга олиб, 2025 йилнинг феврал-апрель ойларида касаба уюшмаси ташкилотчилари, цех касаба уюшмаси кўмиталари, бошланғич

ташкiлотларнинг касаба уюшмаси кўмиталарининг ҳисобот-сайловлари, июнь ойида тармоқ касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлинмаларининг ҳисобот-сайловлари, август ойида тармоқ касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлови ўтказилиши белгиланиб, барча бошланғич ташкiлотларга етказилди.

Республика Кенгаши томонидан тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкiлотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференцияларини ва ҳудудий бўлинмаларнинг конференцияларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб, китоб шаклда уларга етказиб берилди.

Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган жадвал асосида жойларда бошланғич касаба уюшмаси ташкiлотлари раислари учун алоҳида жадваллар асосида ўқув семинарлар ва намунавий ҳисобот-сайлов йиғилишлари ҳамда конференциялари ташкiл этилди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги бошланғич касаба уюшма ташкiлотларида юқорида қайд этилган қарорлар асосида тармоқ бошланғич касаба уюшма ташкiлотларида 2025 йилнинг февраль-апрель ойларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари (конференциялари) бўлиб ўтди.



Касаба уюшмаси кадрлари таркиби чуқур таҳлил қилиниб, тизимга ёш, ғайратли, соҳа муаммоларини чуқур биладиган ва уларни ҳал этишга интиладиган ходимлар жалб этилди, бу борада биринчи навбатда тасдиқланган кадрлар захирасига олинган номзодларга эътибор қаратилди.

Барча ҳудудларда ҳисобот-сайловлар йиғилишлари, конференцияларини ўтказиш бўйича жадваллар тузилди ва уларнинг ҳар бирида юқори касаба уюшма органлари – Республика Кенгаши ва ҳудудий кенгашлар аппарати ходимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг ҳудудий кенгашлари вакиллари иштирок этишди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда касаба уюшма ташкiлотларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатилди.

конференциялари ўтказилди. Цех ташкилотлари 7764 тани, шундан юридик шахс мақомига эга корхона, ташкилотдаги цех ташкилоти 3784 тани, касаба уюшма гуруҳлари 2373 тани ташкил этиб, уларнинг барчасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди.

Жорий йилнинг апрел ойида тармоқ касаба уюшмасининг Наманган вилояти кенгаши тасарруфидаги Психофизик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган типдаги болалар уйи бошланғич касаба уюшма қўмитаси (6-сонли болалар уйи) профкартага асосан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилоят Кенгаши хизматига, Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги “Сурхон Дори-Дармон” масъулияти чекланган жамияти бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ўз хоҳишларига кўра Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси хизматидан вилоят Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси хизматига ўтказилганлиги сабабли уларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилмади.

Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари якунлари бўйича 100 фоиз бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолияти “қониқарли” деб топилди. Шунга қарамай, Қашқадарё вилоятининг Кўкдала ва Фарғона вилоятининг Фурқат туман тиббиёт бирлашмалари касаба уюшмаси фаолиятдан норозилик билдирилиб мурожаат қилинганлиги сабабли, ҳисобот-сайлов конференциялар қайтадан ўтказилди. Кўкдала туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси ўз лавозимига қайта сайланди, Фурқат туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси янги номзод сайланди.

Касаба уюшмаси кадрлари таркиби чуқур таҳлил қилиниб, тизимга етук, билимли, етарли тажриба ва малакага эга бўлган, ташаббускор кадрларни жалб этиш, раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган номзодларнинг етакчилик қобилиятларини баҳолашга тўғри ва ҳаққоний ёндошиш, лавозимларга номзодлар кўрсатишда ижтимоий адолат таъминланиб, муқобиллик асосида соҳа муаммоларини чуқур биладиган ва уларни ҳал этишга интиладиган ходимлар жалб этилди, бу борада биринчи навбатда тасдиқланган кадрлар заҳирасига олинган номзодларга эътибор қаратилди.

Ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги “Низом”да барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотлари, жумладан бошланғич ташкилотлар сайланма органларининг ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган раис ва раис ўринбосарлари сайлови муқаррар равишда муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши белгиланган бўлиб, асосий ишидан озод этилган ҳолда фаолият олиб борадиган 128 нафар (14%) раислар юқорида айтилган Низом талабларидан келиб чиқиб, ёпиқ овоз бериш йўли